O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
FARG'ONA VILOYATI
SO'X TUMAN
HOKIMINING QARORI

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
ФЕРГАЕНСКАЯ ОБЛАСТЬ
ПОСТАНОВЛЕНИЕ
ХАКИМА СОХСКОГО РАЙОНА

"24" 08 2019 йил. № 1457.

Мактаб ёшидаги болаларни мажбурий таълимга жалб этиш мақсадида тумандаги ҳар бир таълим муассасаларини ҳудуд ва микроҳудудларга бириктириш тўғрисида

Туман халқ таълими бўлимининг 2019 йил 19 июлдаги "Мактаб ёшидаги болаларни мажбурий таълимга жалб этиш мақсадида тумандаги ҳар бир таълим муассасаларини ҳудуд ва микроҳудудларга бириктириш тўғрисида"ги 140/2-сонли мурожаатига кўра, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 мартдаги "Умумий ўрта таълим тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 140-сонли қарори билан тасдиқланган Низомнинг 5-боб 39-банди ва Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисидаги Қонунининг 6,25-моддаларига мувофиқ

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Туман халқ таълими бўлимининг 2019 йил 19 июлдаги 140/2-сонли "Мактаб ёшидаги болаларни мажбурий таълимга жалб этиш мақсадида тумандаги ҳар бир таълим муассасаларини ҳудуд ва микроҳудудларга бириктириш тўғрисида"ги мурожаати маъқуллансин.

2. Туман халқ таълими бўлими тасарруфидаги ҳар бир таълим муассасаларига ҳудуд ва микроҳудудларга бириктириш жадвали иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3.Тумандаги "Садои Сўх" рўзномаси (С.Тохиров), туман алоқа ва ахборот коммуникация технологияларни ривожлантириш бўлими (А.Шеров) мазкур қарор расмий эълон қилиниши ва ҳокимлик веб-сайтига жойлаштирилиши таъминлансин.

4.Мазкур қарор расмий эълон қилингандан эътиборан кучга киради.

5. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари в.в.б М.Аббосов ва туман халқ таълими бўлими мудири А.Темировлар зиммасига юклатилсин.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI FARG'ONA VILOYATI SO'X TUMANI HOKIMIYATI
BAYON QISMI

Туман ҳокими **Ф.Усаров**